



СУВ СТРЕССИНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Яндашова Машхура Эрмат қизи

Аннотация: Ушбу тезисда намлик миқдори чекланган шароитларда сув стресси омилининг ғўза ўсимлиги ҳосилдорлиги кўрсаткичларига таъсири ҳақида сўз боради.

Маълумки, навларнинг ҳосил салмоғи уларни сув танқислигига нисбатан чидамлилигини солиштиришдаги асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тупроқда сув етишмаслиги ўсимликларнинг ўсишига, ривожланишига ҳамда физиологик ва биокимёвий жараёнларига салбий таъсир қилади.



Кўсакнинг умумий кўриниши

Сув танқислиги ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилиб, умумий фотосинтетик маҳсулдорликни пасайтиради. Ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ташқи муҳит омиллари оптимал даражада бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сув танқислиги ўсимликларнинг сув балансига таъсир қилиб, физиологик ва биокимёвий жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари ўсиш ва ривожланиш жараёнларини секинлаштиради, ҳосил органларининг тўкилишини жадаллаштиради. Буларнинг барчаси ўз навбатида биологик ва айниқса хўжалик ҳосил салмоғи ҳамда сифатини пасайтиришга сабаб бўлади.

Биз ўз тадқиқотларимиз давомида ғўза навларининг ҳосил салмоғига сув танқислиги таъсирини баҳолаш мақсадида дала тажрибалари ўтказилди. Ушбу кўрсаткич бўйича олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига қараганда, барча ўрганилган ғўза навларининг ҳосил салмоғи тупроқ намлигига бевосита боғлиқлиги кузатилди. Тупроқ намлиги - чекланган вариантларда барча навлар ҳосил салмоғининг кескин камайишига сабаб бўлди. Тупроқ намлиги мўътадил бўлган вариантларда барча навларнинг





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ҳосилдорлиги юқори бўлди. Ҳосил салмоғи икки хил намлик шароитида навлар кесими бўйича фарқлар аниқланди.

Ҳосил салмоғига сув стресси таъсири(1- жадвал)

т /р	Навлар	Тажриба вариантлари	Ҳосилдорлик,ц/га				
			Ўртача	назорат дан фарқи			
1	Бухоро-10	назорат	42,0±0,07				
		тажриба	36,8±0,06	-5,2			
2	Бухоро-8	назорат	45,6±0,07				
		тажриба	41,2±0,08	-4,4			
3	Бухоро-102	назорат	43,9±0,09				
		тажриба	39,1±0,08	-4,8			

Изоҳ: назорат- мўтадил намлик; тажриба- чекланган намлик

Тупроқ намлик даражаси мўтадил бўлган шароитда ўртача ҳосилдорлик даражаси гектар ҳисобига Бухоро-10 навида –42,0; Бухоро-8 навида –45,6; Бухоро-102 навида –43,9; Андижон-35 навида –40,2 ва Султон навида –40,1 центнерни ташкил этган бўлса, тажриба вариантларида худди шу йилларда тупроқ намлиги-чекланган шароитда ўртача ҳосилдорлик даражаси Бухоро-10 навида –36,8; Бухоро-8 навида –41,2; Бухоро-102 навида –39,1; Андижон-35 навида –33,0 ва Султон навида –33,8 центнерни ташкил қилди. Бухоро-10 навида назоратга нисбатан тажриба вариантыда ҳосил салмоғи -5,2, Бухоро-8 навида -4,4, Бухоро-102 навида -4,8, Андижон-35 навида -7,2 ва Султон навида -6,3 центнерга кам бўлди.

Чекланган намлик шароитида ғўза навларининг ҳосил салмоғи мўтадил намликдагига қараганда 2-3 марта камайди. Бундай камайиши Султон ва Андижон-35 навларида кўпроқ бўлди.

Ғўза навларини гуллаш босқичидаги сув танқислиги уларнинг ўсиши ва ривожланиши, шунингдек физиологик ҳамда биокимёвий жараёнларининг кечишига кучли салбий таъсир қилади. Бунда ўсимликлар паст бўйли бўлиб гулларининг тўкилиши, кўсақларнинг кичрайиши ва ҳосил салмоғининг камайиши кузатилади. Ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни етарли даражада сув таъминотида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади

Маълумотларга қараганда мўтадил намликда ҳосил салмоғи Бухоро-10, Андижон-35 ва Султон навларида нисбатан камайганлиги кузатилади. Мўтадил





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

намлик шароитида Бухоро-8 ва Бухоро-102 навларининг ҳосил салмоғи ошганлиги қайд этилди. Бундай сув танқислиги шароитида ҳам Бухоро-8 ва Бухоро-102 навлари бошқа навларга нисбатан ҳосилдорлик даражасининг нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради.

Ўрганилган барча навларнинг ҳосилдорлиги уларни сув билан таъминлаш даражасига бевосита боғлиқлиги кузатилди. Тупроқ намлик даражасининг камайиши ўрганилган барча навлар ҳосил салмоғининг камайишига олиб келди. Бундай стресс омил таъсирида навларнинг ҳосил салмоғи ҳам ҳар хил бўлди. Жумладан, сув танқислигига физиологик ва биокимёвий жиҳатдан мослашиш хусусияти юқори бўлган Бухоро-8, Бухоро-102 навларида ҳосил салмоғининг камайиши бошқа навларга қараганда нисбатан камроқ бўлди. Тупроқ намлик даражаларининг таъсири натижасида ўрганилган ғўза навлари ҳосил салмоғининг ҳар хил бўлиши навларнинг биологик ва физиологик хусусиятларига, айниқса уларнинг сув тақчиллигига чидамлилик хоссалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Атабаева Х.Н. Донли экинлар биологияси ва етиштириш технологияси.- ТошДАУ, 1997.- 121 б.
2. Брежнев Д. Д. Пшеница мира.- М.: Колос, 1976. – 324 с.
3. Атабаева Х. Н. Истикболли буғдой навлари ҳосилдорлигининг суғориш тизимида боғлиқлиги. -ТошДАУ, 2004. – 68 б.
4. Атабаева Х., Умаров З. Ўсимликшунослик. Ўзбекистон миллий энциклопедияси илмий нашриёти.-Тошкент:Ўзбекистон, 2004.- 228 б.
5. Вавилов П.П. Растениеводство. -М.: Колос, 1986.- 450 с.

